



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil « 8 » май

ПФ–82 -son

Пахта ва буғдой етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Пахта ва буғдойдан юқори ҳосилдорликка эришиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча пахта хомашёси ва (ёки) буғдой етиштирувчи хўжаликлар (кейинги ўринларда – хўжаликлар) учун молиялаштириш ва қўшимча рағбатлантириш механизмларини янада кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Янги молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш

1. Белгилансинки, **2026 йил ҳосилидан бошлаб** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан қуйидагилар **компенсация қилинади:**

(а) пахта хомашёсини етиштиришга ажратилган имтиёзли кредитларни:

(i) шартномада белгиланган муддатда қайтарган хўжаликларга ушбу кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловининг **2,5 фоизлик пункти;**

(ii) ҳосил йилининг якунига (тегишли йилнинг 31 декабрига) қадар қайтарган хўжаликларга ушбу кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловларининг **5 фоизлик пункти;**

(б) буғдой етиштириш харажатлари учун ажратилган имтиёзли кредитларни **ҳосил йилининг 1 августига қадар** тўлиқ қайтарган хўжаликларга ушбу кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловининг **4 фоизлик пункти;**

(в) пахта хомашёсини харид қилиш учун пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда пахта хомашёсини қайта ишлаш ва ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ажратилган тижорат кредитлари бўйича тўланган фоиз тўловининг **8 фоиз** пунктдан юқори, лекин **16 фоиз пунктдан** ошмаган қисми.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

(а) дизель ёқилғисини харид қилиш билан боғлиқ харажатларни қисман қоплаш мақсадида **2026 йил 1 апрелдан 2026 йил 1 июлга** қадар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан биржа савдолари орқали харид қилинган ҳар бир тонна дизель ёқилғиси қийматининг **13 миллион сўмдан ошган қисми учун, бироқ 2 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда** Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан Агентлик орқали субсидия ажратиш;

(б) **2026 йил 1 сентябрдан бошлаб** Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг хўжаликларга қўйидаги субсидияларни ажратиш ваколатини Агентликка ўтказиш:

(i) қишлоқ хўжалиги субъектларига ўз маблағлари ҳамда тижорат банклари кредитлари ҳисобидан етиштирилган пахта хомашёсини биржада сотганда расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактура қийматининг бир қисмини қоплаб бериш;

(ii) пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш занжирига эга тўқимачилик корхоналарига ўз маблағлари ҳисобидан харид қилинган пахта хомашёси қийматининг бир қисмини қоплаб бериш;

(в) **2026 йил 1 сентябрдан бошлаб** Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидаги **2 та штат бирлигини** Агентликка ўтказиш ва уларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

II. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер майдонлари ҳамда экин турларини ҳисобга олган ҳолда дизель ёқилғисига бўлган ҳақиқий талабини **“Агроплатформа” ахборот тизимида акс эттириш** ҳамда ҳақиқий талабдан ортиқча харид қилинган дизель ёқилғиси учун **субсидия ажратилишининг олдини олиш чораларини кўрсин.**
4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **бир ой муддатда** мазкур Фармонда назарда тутилган субсидиялар учун зарур маблағларни Агентликка Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2026 йил I чораги якуни бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ажратсин.
5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:
 - (а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда **бир ҳафта** муддатда мазкур Фармоннинг 2-банди “а” кичик бандидаги субсидияни ажратишнинг вақтинчалик тартибини тасдиқласин;
 - (б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур Фармоннинг 1-бандидаги қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тартибларини ҳамда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
7. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

8. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг аграр ривожланиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 8 майдаги ПФ–82-сон Фармониغا
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–6179-сон Фармониغا 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш
жамғармасини бошқариш департаментининг

ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ:

бошқарув ходимларнинг чекланган сони — 32 нафар;

хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–205-сон Фармонининг 5-бандида:

(а) “б” кичик банднинг иккинчи хатбошисидаги “80” рақами “100” рақами билан алмаштирилсин;

(б) “в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) фьючерс шартномасига асосан етиштирувчилардан қабул қилинган пахта хом ашёси учун тўловларнинг 80 фоизи пахта хом ашёси қабул қилиб олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан, қолган қисми молия йилининг 31 декабрь кунига қадар биржанинг “клиринг” (марказлаштирилган ҳисоб-китоб) тизими орқали амалга оширилади. Бунда:

хўжаликлар ва қайта ишловчилар ўртасида фьючерс шартномалари бўйича натура (товар-моддий бойликлар) шаклида ҳисоб-китоб қилиш қатъий тақиқланади;

форвард шартномасига асосан етиштирувчилардан қабул қилинган пахта хом ашёси учун тўловлар (пахта хом ашёси қийматининг закатат маблағидан қолган қисми) қабул қилиб олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан сотувчининг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги “Пахта хом ашёсини етиштириш ва сотишда бозор механизмларини қўллашни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–7-сон Фармонининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Белгилансинки:

а) 2025 йил ҳосили учун пахта хом ашёсини етиштириш учун олинган имтиёзли кредитларни ҳосил йилининг якунига (тегишли йилнинг 31 декабрига) қадар қайтарган хўжаликларга ушбу кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловларининг 4 фоизлик пунктини субсидия сифатида қайтариб бериш тартиби жорий этилади;

б) 2025 йил ҳосилидан бошлаб:

пахта хом ашёсини ўз маблағлари ва тижорат кредитлари ҳисобидан етиштириб, Биржада сотган хўжаликларга шакланган ҳисобварақ-фактура қийматининг 10 фоизи миқдорида субсидия ажратилади. Бунда 2026 йил ҳосилидан бошлаб ушбу субсидия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан ажратилади;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, фермерлар ҳамда кооперативларга пахта хом ашёсини сақлаш ва бирламчи (тегирмон усулида) қайта ишлаш хизматларини ташкил этиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни сотиб олишга Жамғарма ресурслари ҳисобидан тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг асосий ставкасида (шундан 2 фоиз банк маржаси) уч йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан кредитлар ажратилади. Бунда тадбиркорлик субъектлари фақат пахта хом ашёсини қайта ишлаб бериш билан шуғулланади ва пахта хом ашёсини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган субсидияларни ажратиш тартибларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 январдаги “Пахта хом ашёси етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–23-сон қарори 2-бандининг “а”, “д” ва “е” кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil « 8 » _____ мая _____

УП–82 _____-son

О дополнительных мерах финансовой поддержки производителей хлопка и пшеницы

В целях достижения высокой урожайности хлопка и пшеницы, дальнейшего расширения механизмов финансирования и дополнительного стимулирования всех хозяйств, занимающихся выращиванием хлопка-сырца и (или) пшеницы, независимо от формы собственности (далее – хозяйства) **постановляю:**

I. Внедрение новых мер финансовой поддержки

1. Установить, что начиная с урожая 2026 года Агентством по платежам в аграрной сфере при Министерстве сельского хозяйства (далее – Агентство) **компенсируются:**

(а) по льготным кредитам, выделенным на выращивание хлопка-сырца:

(i) **2,5 процентных пункта** уплаченных процентных платежей по данным кредитам – хозяйствам, погасившим кредит в срок, установленный договором;

(ii) **5 процентных пунктов** уплаченных процентных платежей по вышеуказанным кредитам – хозяйствам, погасившим кредит до конца урожайного года (31 декабря соответствующего года);

(б) **4 процентных пункта** уплаченных процентных платежей по льготным кредитам, выделенным для расходов на выращивание пшеницы, – хозяйствам, погасившим данный кредит в полном объеме **до 1 августа** урожайного года;

(в) часть, превышающая **8 процентных пунктов**, но не превышающая **16 процентных пунктов** уплаченных процентных платежей по коммерческим кредитам, выделенным хлопково-текстильным кластерам, а также текстильным предприятиям, имеющим цепочку переработки хлопка-сырца и производства пряжи, для закупки хлопка-сырца.

2. Согласиться с предложениями Министерства сельского хозяйства, а также Министерства экономики и финансов о:

(а) выделении субсидии из республиканского бюджета Республики Узбекистан посредством Агентства для **части, превышающей 13 миллионов сумов** стоимости каждой тонны дизельного топлива, закупленной сельскохозяйственными предприятиями на биржевых торгах в период с **1 апреля 2026 года по 1 июля 2026 года**, но в размере **не более 2 миллионов сумов** в целях частичного покрытия расходов, связанных с закупкой дизельного топлива;

(б) передаче с **1 сентября 2026 года** Агентству полномочия Фонда государственной поддержки сельского хозяйства по выделению следующих субсидий для:

(i) компенсации сельскохозяйственным субъектам части стоимости электронного счета-фактуры, оформленного в процессе реализации на бирже хлопка-сырца, выращенного за счет их средств, а также кредитов коммерческих банков;

(ii) компенсации хлопково-текстильным кластерам, а также текстильным предприятиям, имеющим цепочку производства пряжи, части стоимости хлопка-сырца, приобретенного за счет их средств;

(в) передаче с **1 сентября 2026 года** Агентству **2 штатных единиц** Фонда государственной поддержки сельского хозяйства, а также финансировании расходов, связанных с их содержанием, за счет средств Государственного бюджета.

II. Организация, обеспечение и контроль исполнения Указа

3. Министерству сельского хозяйства принять меры по отражению в **информационной системе «Агроплатформа»** фактической потребности сельскохозяйственных предприятий в дизельном топливе, принимая во внимание их земельную площадь и виды культур, а также **предупреждению выделения субсидий** для дизельного топлива, приобретенного сверх фактической потребности.
4. Министерству экономики и финансов **в месячный срок** выделить Агентству средства, необходимые для субсидий, предусмотренных настоящим Указом, за счет перевыполненной части прогноза доходов республиканского бюджета Республики Узбекистан по итогам I квартала 2026 года.
5. Министерству сельского хозяйства:
 - (а) по согласованию с Министерством экономики и финансов **в недельный срок** утвердить временный порядок выделения субсидии, предусмотренной подпунктом «а» пункта 2 настоящего Указа;
 - (б) совместно с Министерством экономики и финансов, а также Центральным банком **в месячный срок** внести в Кабинет Министров порядки предоставления мер поддержки, предусмотренных пунктом 1 настоящего Указа, а также предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего Указа.
6. Внести изменения в некоторые акты Президента Республики Узбекистан **согласно приложению**.
7. Возложить на заместителей Премьер-министра Кучкарова Д.А. и Ходжаева Ж.А., а также министра сельского хозяйства Абдурахмонова И.Ю. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего Указа.

8. Обсуждение хода исполнения настоящего Указа, осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за его исполнение, возложить на советника Президента Республики Узбекистан по вопросам аграрного развития Ганиева Ш.М.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент


Приложение
к Указу Президента Республики Узбекистан
от 8 мая 2026 года № УП–82

**Изменения, вносимые в некоторые акты
Президента Республики Узбекистан**

1. Текст приложения № 2 к Указу Президента Республики Узбекистан от 26 февраля 2021 года № УП–6179 «О кардинальном совершенствовании деятельности Фонда государственной поддержки сельского хозяйства при Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан» изложить в следующей редакции:

«СТРУКТУРА

Департамента по управлению Фондом государственной поддержки
сельского хозяйства при Министерстве экономики и финансов
Республики Узбекистан



Примечание:

предельная численность управленческого персонала – 32 единицы;

численность обслуживающего и технического персонала определяется в соответствии с установленными нормативами».

2. В пункте 5 Указа Президента Республики Узбекистан от 12 декабря 2023 года № УП–205 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию свободных рыночных отношений в сельском хозяйстве»:

(а) в абзаце втором подпункта «б» цифру «80» заменить цифрой «100»;

(б) подпункт «в» изложить в следующей редакции:

«в) 80 процентов платежей за хлопок-сырец, принятый от производителей на основании фьючерсного контракта, производится не позднее трех рабочих дней со дня приемки хлопка-сырца, оставшаяся часть – до 31 декабря финансового года посредством системы «клиринг» (централизованного расчета) биржи;

При этом:

проведение расчета в форме натурy (товарно-материальных ценностей) по фьючерсным контрактам между хозяйствами и переработчиками строго запрещается;

платежи за хлопок-сырец, принятый от производителей на основании форвард-контракта (оставшаяся часть от средств заклада стоимости хлопка-сырца) перечисляются на банковский счет продавца не позднее трех рабочих дней со дня приемки».

3. Пункт 3 Указа Президента Республики Узбекистан от 17 января 2025 года № УП–7 «О мерах по последовательному продолжению применения рыночных механизмов при выращивании и реализации хлопка-сырца» изложить в следующей редакции:

«3. Установить, что:

а) внедряется порядок возврата хозяйствам, погасившим до конца урожайного года (до 31 декабря соответствующего года) льготные кредиты, полученные для выращивания хлопка-сырца под урожай 2025 года, 4-процентного пункта процентных платежей по данным кредитам в качестве субсидии;

б) начиная с урожая 2025 года:

хозяйствам, вырaстившим хлопок-сырец за счет собственных средств и коммерческих кредитов и реализовавшим его на Бирже, выделяется субсидия в размере 10 процентов сформированной стоимости по счету-фактуре. При этом начиная с урожая 2026 года данная субсидия выделяется Агентством по платежам в аграрной сфере при Министерстве сельского хозяйства;

всем субъектам предпринимательства независимо от формы собственности, в том числе фермерам и кооперативам, на приобретение оборудования, необходимого для организации услуг хранения и первичной переработки (методом мельницы) хлопка-сырца, коммерческими банками за счет ресурсов Фонда выделяются кредиты на срок три года, включая льготный период 6 месяцев, по основной ставке Центрального банка (в том числе маржа банка – 2 процента). При этом субъекты предпринимательства будут заниматься только переработкой хлопка-сырца без обладания правом на закупку хлопка-сырца.

Министерству сельского хозяйства совместно с Министерством экономики и финансов в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров порядки выделения субсидий, предусмотренных в абзацах втором и третьем настоящего пункта».

4. Подпункты «а», «д» и «е» пункта 2 постановления Президента Республики Узбекистан от 26 января 2023 года № ПП–23 «О дополнительных мерах по дальнейшей поддержке деятельности производителей хлопка-сырца» признать утратившими силу.

